



“ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!”

МАҲАЛЛАЛАРДАГИ
АҲОЛИ ТОМОРҚАЛАРИДА
ЕТИШТИРИЛГАН МЕВА-
САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ
ЭКСПОРТИ 500 МИЛЛИОН
АҚШ ДОЛЛАРИГА
ЕТКАЗИЛАДИ.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
2 АВГУСТ,
ШАНБА

Маҳалла

№62
(2286)

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!

Ёшлар таклифлари тингланди, муаммоларига ечим тошди

ЖАРАЁН

Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси аъзоларидан иборат ишчи гуруҳи ҳудудларда ёшлар масалаларини ўрганиш ишларини босқичма-босқич давом эттирмоқда.



Навбатдаги манзил — Навоий вилояти бўлди. Бугунга қадар ишчи гуруҳ Наманган, Андижон, Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Хоразм, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ёшлар сиёсатининг амалдаги ҳолатини ўрганиб, мавжуд муаммоларни аниқлаш, жойида ечимлар ишлаб чиқиш, янги ёндашувларни таклиф этиш каби муҳим вазифаларни амалга оширди. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, Республика

комиссияси раиси Қаҳрамон Куронбоев, Навоий вилояти ҳоқими Нормат Турсунов иштирокидаги йиғилишда мавжуд имкониятлар, суғ нукталар ва таклифлар муҳокама қилинди. Шунингдек, комиссия аъзолари ёш тадбиркорлар ва стартап лойиҳа эгалари билан очик мулоқотлар ўтказди. Кредит олишдаги муаммолар, ер ва инфратузилмага оид эҳтиёжлар жойида тингланиб, тегишли мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

“РАҚАМЛИ МАҲАЛЛА” ҲАМ ВАҚТНИ ТЕЖАЙДИ, ҲАМ ҚУЛАЙЛИК ЯРАТАДИ



Рақамлаштириш бугун ҳаётимизга шу қадар сингиб кетдики, давлат хизматларидан фойдаланиш, кредит олиш, ташкилотларга мурожаат қилиш, керакли маҳсулотларни буюртма бериш каби кўплаб масалаларни уйдан чиқмасдан амалга оширяпмиз.

Эндликда рақамлаштириш маҳаллалар фаолиятида ҳам кенг қўлланилган. Давлатимиз раҳбарининг топшириқлари, фармон ва қарорлари асосида маҳаллани рақамлаштириш белгилаб олинди ҳамда “маҳалла етилиги”нинг тарқоқ тизимлари ўрнига “Рақамли маҳалла” платформаси яратилди. Айни пайтда 9 008 та маҳалла,

208 та туман (шаҳар), 14 та ҳудуд ва республика “баланси”га киритилган аҳолининг демографик ва ижтимоий ҳолати, ижтимоий объектларга доир 25 та йўналиш ва 401 та кўрсаткичлар рақамлаштирилди.

Маҳалла инфратузилмаси, ишсизлик, қабағаллик, жиноятчилик, оилавий ажралиш, “Яшил макон”, “Обод хонадон”, “Обод кўча”, аҳоли даромадини ошириш каби муаммоларни ҳал қилишга қаратилган “Омбор

дафтари” тўлиқ рақамлаштирилди. Муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этиш мақсадида аҳолининг “еттилик” аъзоларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш тизими жорий этилди.

Маҳаллада юритилаётган ҳисоботлар, ҳужжатлар тўлиқ рақамлаштирилди, “еттилик”нинг ишга келиб-кейтиши тартибга солинди ва КР1 баҳолаш тизими жорий этилди.

Давони 2-сҳифада.

БУГУНГИ
СОНДА:

Энергия тежамкорлиги бўйича маҳалла рейтинги юритилади

Энергия тежаш ва муқобил энергия манбаларини ўрнатилган бўйича маҳалла рейтинги юритилади ҳамда йил якуни билан “Энг электр тежамкор маҳалла” танлови ўтказилади. Хонадонлар “энергия тежамкор уй” сифатида жиҳозланади.

3-с.

Назоратсиз қолдирилган муҳитда жиноят кўпаяди

“Йўл-транспорт ҳодисалари профилактика инспекторлари иш фаолиятига таъсир қиладиган даражада баҳоланмаслиги керак. Чунки биз, йўл-патруль ходимлари эмасмиз. Тўғри, ҳудудда хавфсизликни таъминлаш бизнинг зиммамизда, лекин қонда бузаётганлар бизнинг маҳалладан эмас”.

5-с.

Турмуши ва тақдирига таянч бўлмоқ фахрдир

“Аслида, бир кичик мурожаат ортида қанча инсонларнинг тақдирини ва турмуши турганини улар билан мулоқот қилган, дардини юрагидан ўтказган одамгина билади. Ҳар сафар қалби ўқик инсонларга қўлимдан келганча ёрдам бериб, оз бўлса-да савоб олаётганимдан хурсанд бўламан”.

6-с.

“Тахсилим “маҳалла” университетиде давом этапти”...

Ўз дарди билан овора бўлиб юрган одам атрофида нималар рўй бераётганини сезмайди баъзан. Унинг учун фарзанднинг қорнини тўқлаш, бемор оила аъзоси учун дори-дармонга пул топиш ташвишларидан муҳимроқ нарса бўлмайди.

7-с.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

“Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'zgusi” журнаliga 2026 йил учун ОБУНА БОШЛАНДИ!

УНУТМАНГ, КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ СИЗНИ МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИГА ОИД ТАҲЛИЛИЙ, ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРГА БОЙ МАҚОЛАЛАР, ХОЛИС ВА ТЕЗҚОР АҲБОРОТ, ҚИЗИҚАРЛИ ХАВАРЛАР КУТАДИ!

ҲУРМАТЛИ РАИС, СИЗ СЕВИМЛИ НАШРИНГИЗГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ШОШИЛИНГ! МАҲАЛЛАНИ “Mahalla”СИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН...

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 71 233-39-89, 71 233-10-92

ҲАР ДОИМ ИШОНЧЛИ МАНБАГА ЭҲТИЁЖ БОР

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

Манзура ВАЛИЕВА, Шайхонтоҳур туманидаги “Янгиобод” маҳалласи раиси:

— Маҳалла раиси сифатида бугун зиммамизда жуда катта масъулият борлигини доим ҳис қилиб тураман. Халқ билан ишлаш, уларнинг мурожаатларига ижобий ечим топиш катта билим ва тажриба талаб этади. Кўп йиллардан бун маҳалла тизимида фаолият юритаётган бўлсам-да, мунтазам равишда ўз устимда ишлашга, янгича усулларни қў-

лашга ҳаракат қиламан. Лекин фаолиятимиз давомида ҳар доим ишончли манбага эҳтиёж туғилади. Шундай вақтларда биринчи бўлиб қўлимга “Mahalla” газетасини оламан. Унинг ҳар бир сонини иштиёқ билан ўқийман. Турли соҳа мутахассисларининг маслаҳат ва тавсиялари доим қор келади. Фақат мен эмас, маҳалламизнинг бошқа ходимлари ҳам газетанинг янги сонини интиқиб куттишади. Шунинг учун газетани 2026 йил учун илғорлар сафида туриб, обуна бўламан.



Президент Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалигида КОСМИК МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА РАҚАМЛАШТИРИШ бўйича йиғилиш ўтказди.



Давлатимиз раҳбарига САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ИСЛОХОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ВА ЯНГИ РЕЖАЛАР юзасидан ахборот берилди.



Президентимиз раислигида МЕВА-САБЗАВОТ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ЭКСПОРТИНИ кўпайтириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

“РАҚАМЛИ МАҲАЛЛА” ҲАМ ВАҚТНИ ТЕЖАЙДИ, ҲАМ ҚУЛАЙЛИК ЯРАТАДИ

Давом. Бошланиши 1-саҳифада.

“Ижтимоий шартнома” орқали оилаларга кўмак кўрсатиш орқали камбағалликдан чиқариш тизими яратилди.

Маҳалла ишининг рақамлаштирилгани қисқа фурсатларда қўрилган натижаларни берди. “Рақамли маҳалла” платформасининг амалиётга самарали жорий этилиши туфайли ортиқча қоғозбозликнинг олди олинди, бир йилда 1,1 минг тонна қоғоз, 28,9 миллиард сўм маблағ иқтисод қилинди. Давомат модулини ишга тушириш орқали FaceID ёрдамида рўйхатдан ўтказиш, турган манзилни аниқлаш имконияти яратилиб, ходимларга иш ҳақи ҳисобланиши шаффофлиги таъминланди.

“Маҳалла баланси” асосида 9 008 та маҳалла, 159 минг 861 та кўча, 7 миллион 413 минг



Маълумот учун: Ходимларнинг таъминан 10 фоизи (5 600 нафар) 1 кунда ишга келмас, ўртача бир кунда бир нафар ходим учун 220 минг сўм, 5 600 нафар ходим учун 1,3 миллиард сўм ёки бўлмаса, бир ойда 28,5 миллиард сўм, бир йилда 341 миллиард сўм ишламаган кунлар учун маош тўлашнинг олди олинади.

552 та хонадон, 9 миллион 957 минг 604 та оила, 37 миллион 859 минг 648 нафар аҳоли тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилди ҳамда тоифаларга ажратилди.

Маҳаллада юритилаётган қоғоз шаклидаги ҳисоботлар рақамлаштирилиб, ислохотларни тўғридан-тўғри маҳаллага етказиш имконияти яратилди. Мазкур вазифаларни барча маҳаллада тўлиқ амалга ошириш учун 55 минг нафардан ортиқ “еттилик” аъзоларига планшетлар олиб берилди. Аҳоли муаммоларини аниқлаш бўйича модул ишлаб чиқилиб, ҳозирда маҳаллага келиб тушган 2 миллион 596 минг 728 та мурожаатнинг 1 миллион 743 минг 417 таси ёки **86 фоизи маҳалланинг ўзида ҳал этилди.**


Тизим орқали “Аёллар дафтари”га киритилган 995 минг

239 нафар, “Ёшлар дафтари”даги 136 минг 415 нафар фуқаро билан ишлаш устидан жамоатчилик назорати ўрнатилди. Шунингдек, платформада 40 тага яқин модуллар шакллантирилиб, 120 та йўналишдаги маълумотлар тизимга жойлаштирилди, ижроси бўйича ҳар ойда мониторинг ўтказилмоқда.

“Рақамли маҳалла” платформасини амалиётга янада самарали жорий этиш бўйича қатор вазифалар белгилаб олинган. 2026 йилда Статистика қўмитаси билан биргаликда **“еттилик” аъзолари орқали аҳоли рўйхатдан ўтказилади.** Аҳоли кўрсаткичларига оид тарқоқ тизимлар бирлаштирилади. Вазирлик, идоралар ва ҳокимликлар томонидан юритилаётган статистик рақамлар янада шаклга келтирилади. Давлат органлари ва таш-

килотлари ўзаро ҳамкорлиги тизимлаштирилади ҳамда статистик маълумотлар **“маҳаллабай”** юритилади. Аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий ёрдам ва субсидиялар мақсадли ва манзилли йўналтирилади. Меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар бўйича **“Регистрация” амалиёти** йўлга қўйилади.

Жараёнда “маҳалла еттилиги” аъзоларининг билим ва малакалари ошириб борилади. Аҳолининг тўғридан-тўғри мурожаатларини қабул қилиш ва ҳал этиш тизими жорий этилади. Маҳалланинг истиқболли лойиҳалари юзасидан аҳолининг онлайн овоз бериш тизими ишлаб чиқилади. “Маҳаллабай” ишлашга масъул вазирлик ва идораларнинг барча ахборот тизимлари ҳамда маълумотлар базалари **ягона тизимга бирлаштирилади.**



“Ютуқларга аҳолининг бирдамлиги, меҳнат ва машаққат орқали эришдик”

Аҳоли ишонч билдириб, бу лавозимда иш бошлаганимда эплай олармиканман, деган иккиланиш, қўрқув бўлган. Зиммамга катта масъулият олаётганимни билардим. Биринчидан, 3 297 нафар аҳоли билан ишлашнинг ўзи бўлмайди, иккинчидан, ҳудудга хос муаммолар кўп эди. Айниқса, инфратузилма абгор аҳволда бўлган. Бу муаммоларни ҳал этмай аҳоли турмуш даражасини яхшилаб бўлмасди.



Азимжон ОРИПОВ, Олтиариқ туманидаги “Мирфозил” маҳалласи раиси.

Ишни шундан бошладим. Утган йиллар давомида янги ичимлик сув қудуғи ва минора қурилди. 6 та кўчанинг 3,5 км. узунлигидаги ички йўли асфальтланди. Тунги ёритиш чирқолари ўрнатилди. Мирфозил-2 кўчасига трансформатор қўйилди. Бу билан 380 та хонадоннинг электр таъминоти яхшиланди. Мирфозил тор кўчасига янги тармоқ тортилдди. Узоқ йиллардан бери таъмирталаб кўприк янгиланди.

Пахтакор кўчасининг 800 метр қисмига ичимлик сув учун қувур ётқизилди. Маҳалла гузари таъмирланиб, оталар чойхонаси, кутубхона ташкил қилинди. “Яшил макон” умумий лойиҳаси доирасида 2 000 туп терак

кўчати экилди. Жорий йил ҳам бу ишлар давом этяпти. Жумладан, Пахтакор кўчасида электр таъминотини яхшилаш мақсадида янги тармоқ тортилиб, трансформатор ўрнатилди.

Яқингача маҳалла “қизил” тоифада турарди. Профилактика инспектори билан ҳудудда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳамкорлигимиз яхши самара берди. Биринчи навбатда, барча кўчаларга кузатув камераси ўрнатилди. Натижада 2024-2025 йилларда жиноят содир бўлмади. Бундан ташқари, оилавий ажралишларнинг олди олинди.

Бандликни таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, нуруний отахон ва онахонлар, хотин-қизлар ва ёшларга манзилли ёр-

дам кўрсатиш, фуқароларни замонавий касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш, камбағалликни қисқартириш ҳамда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш доимийлик касб этган.

“Камбағалликдан – фаровонлик сари” дастури асосида 15 нафар оила рўйхатга оли-



ниб, улар билан манзилли иш ташкил қилинган. Ҳозиргача 5 тадан камбағал оила 3 нафар нурунийга бириктирилиб, зарур кўмак кўрсатилди. “Темир дафтар”да турувчи Зухра Умарова, Фотима Ҳайдарованинг хонадони таъмирлаб берилди. “Аёллар дафтари”даги 10 нафар хо-

тин-қизга субсидия асосида тикув машинаси берилди. 8 нафари имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

Албатта, бу натижалар одатий вазифамиз. Лекин унинг ортида қанча меҳнат ва машаққат, аҳолининг бирдамлиги ётибди. Шукрки, утган йиллардаги режалар бажарилди, одамлар розилигига эришдик. Шу боис жорий йил ташкил этилган маҳалла раислари сайловида кўпчилик ишонч билдириб, лавозимга қайта сайландим. Бу менга куч бағишлади.

Янги режалар устида ишлашга киришдик. Жумладан, ҳудудимиз “ўсиш нуқта-си” – узумчилик. Аксарият хонадон эгалари шу юмуш ортидан яхши даромад топади. Аммо фойдани янада ошириш имконияти бор. Бунинг учун келгусида тадбиркорларни жалб қилган ҳолда, узумни қайта ишлаш корхонаси ҳамда катта сизимга эга музлатгич-омборхона ташкил этишни режалаштиряпмиз. Бу орқали янги иш ўринлари пайдо бўлади.

Бир хижатни алоҳида таъкидлашни истардим. Янги иш бошлаган пайтими тизим билан янада қўпроқ танишиш эҳтиёжи туғилди. Жараёнда кўплаб мутахассислардан маслаҳат олдим. Айниқса, “Mahalla” газетаси яқин кўмакчига айланди. Республиканинг турли ҳудудларидаги маҳалла раислари тажрибасини ўрганишда жуда қўл келди. Фаолиятимда туғилган саволларга ҳам газетадан жавоб олдим. Бугун бу нашр менга яқин дўст, маслаҳатчига айланган. Шу боис биринчилар қаторида 2025-2026 йил учун обуна бўлдим. Хулосам шунки, ҳар бир маҳалла раисининг иш столидан тизимга иxtисослашган ушбу нашр жой олиши шарт.

ҲАЗРАТИ АЛИДА ИМКОНИЯТЛАР КЕНГ АЙДИ

Сўх туманидаги Ҳазрати Али номидаги маҳалланинг янги биноси фойдаланишга топширилди.



– Шу вақтгача фаолият юритган идорамиз маҳаллага берилётган кенг воқолатлардан самарали фойдаланиш учун торлик қилиб қолди, – дейди **маҳалла раиси Субҳонали Нишонов.** – Шу боис янги бинога эҳтиёж бор эди. Барока топшишин, маҳалламиз ҳомийлари кўмагида 2 миллиард сўм маблағ эвазига шинам, барча қулайликларга эга маҳалла идораси биноси қуриб берилди. Бу ерда аҳоли билан мулоқот қилиш, уларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш, давлат ташкилотларига мурожаат қилиш

учун барча имкониятлар мавжуд. Айтиш керакки, “еттилик” вакиллари-нинг самарали фаолият юритиши учун муносиб шароит, аҳоли мурожаатларини ўз вақтида ҳал этишда замонавий имкониятларга эга йиғин бинолари муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир ходим ўзига юклатилган вазифаларни бажаришида алоҳида хоналарнинг бўлиши, моддий-техник базанинг мустаҳкамлиги зарур. Ҳазрати Али номидаги маҳалла фаоллари эндиликда шундай қулайликларга эга.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

– Иўқ, ҳисоблагич ўрнатилгач, қарздорлар тармоқдан узиб қўйилмайди. Бу ташаббус сув таъминоти ва канализация тизимини рақамлаштириш, сув истеъмолини кузатиш ва назорат қилиш жараёнига замонавий технологияларни жорий этишга қаратилган.

Маълумки, истеъмолчилар олдинги ҳисоблагичлар кўрсаткичларини сув таъминоти ташкилотининг базасига ҳар доим ҳам ўз вақтида етказмас эди. Бу эса англашилмовчиликлар, тўловлар кечикиши ва бошқа ноқулайликларга олиб келар эди.

Янги ҳисоблагичлар радиомодул билан жиҳозланган. Шу туфайли, улар автоматик равишда сув истеъмоли, босим, носозликлар ва ташқи аралашув ҳолатлари тўғрисида маълумотларни узатиши мумкин.

Бу абонентларни кўрсаткичларни биллинг тизимига киритиш заруратидан ҳалос этади. Шунингдек, сув истеъмоли тўғрисидаги маълумотларини шахсий кабинет орқали текшириш ва мобил иловаларда тўлашни осонлаштириди.

Diehl Metering компаниясида ишлаб чиқилган ҳисоблагичлар Франциянинг Suez компанияси билан ҳамкорликда ўрнатилмоқда. Келгуси 5 йилда жами 670 мингта ҳисоблагич ўрнатилиши режалаштирилган.

Ҳисоблагичлар хонадонларга бепул ўрнатилди.



Янги қонун билан парламентдаги МУХОЛИФАТНИНГ КАФОЛАТЛАНГАН ҲУҚУҚЛАРИ кенгайтирилади.



Президент имзолаган қонун билан ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СУВ КОДЕКСИ тасдиқланди.



Президент қарорига кўра, БОТИР ЗОКИРОВ мемориал музейи ташкил қилинади, давлат стипендияси таъсис этилади.

ТАРАҚҚИЁТ

ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИГИ БЎЙИЧА МАҲАЛЛА РЕЙТИНГИ ЮРИТИЛАДИ

Электр энергетикаси тармоғи жамият ҳаётида муҳим саналган таянч соҳалардан бири ҳисобланади. Шу боис бугун маҳаллаларда энергия тежаш ва муқобил энергия манбаларини ўрнатилган юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар амалга ошириляпти.



Бу жараёнда барча маҳаллаларда "еттилик" ва маҳалла фаоллари томонидан 3,4 миллион нафар аҳоли ва 259 минг нафар ижтимоий реестрлардаги оила вакиллари иштирокида тарғибот тадбирлари ўтказилди. "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ва "Камбағал оилалар реестри"га киритилган хонадонларга ёқилги-энергетика ресурслари нархларини босқичма-босқич бозор тамойилларига ўтказиш даврида аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари тушунтирилди.

Эхтиёжманд оилаларга электр энергияси ва табиий газ бўйича компенсация ажратиш юзасидан 1,6 миллионга оиладан аризалар қабул қилинди. Шундан 843 минг нафари реестрларга киритилган ва 758 минг нафари реестрлардан ташқари оилалардир. Бундай оилаларга май-июнь ойларида 8,4 миллиард сўм (423 минг оилага) компенсация пуллари тўлаб берилди (электр энергияси учун – 252,1 минг оилага 6,6 миллиард сўм, табиий газ учун – 19,1 мингта оилага 1,8 миллиард сўм).

Оғир тоифадаги 300 та маҳаллада қувват 180-500 кВт бўлган кичик қуёш фотозлектр станцияларини барпо этиш лойиҳаси доирасида "ACWA Power" компаниясининг CSR лойиҳасига асосан, ижтимоий соҳа объектларига ўрнатилган режалаштирилган 9 МВт кичик қуёш фотозлектр станцияларини оғир тоифадаги маҳаллаларга йўналтириш бўйича келишувга эришилди. Айтиш керакки, табиий газ қуёш панеллари учун Қорақалпоғистон Республикаси (23 та), Тошкент (19 та), Андижон (1 та), Самарқанд (1 та), Қашқадарё (23 та) Сирдарё (2 та), Хоразм вилоятларида (1 та) жами 70 та маҳалла ҳудудида ер ажратиш бўйича қарорлар чиқарилди. Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги Нодирабегим номидаги маҳаллада қуёш фотозлектр станциясини қуриш ишларига старт берилди.

Энергетик барқарорликни ошириш ҳамда ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 6 380 та (71 фоиз) маҳалла биноларига ҳамда 3 214 та кам таъминланган оилалар хонадонига қуёш панеллари ўрнатилди. Жумладан, июль ойида 837 та маҳалла биноси ҳамда 374 та хонадон қуёш панелли билан таъминланди. Бундан ташқари, 793 та маҳалла биносига қуёш панеллини ўрнатиш бўйича шартномалар тузилди.

Яна бир жиҳат: уй-жойларда энергия самарадорлигини ошириш мақсадида "Энергия самарадорлиги рақамли платформаси" ишга туширилиб, у орқали энергия аудитори ва етказиб берувчиларни шаффоф тарзда танлаш имконияти яратилди. Аҳоли платформа орқали харид қилган қуёш панеллари ва гелиоколлекторларнинг 20 фоизи, иссиқлик насослари(ҳаво, сув ва геотермал)нинг 40 фоизи, "Яшил таъмир" кредитларнинг 4 фоизгача қисми субсидия орқали қoplanади.

Шунингдек, тижорат банклари орқали аҳоли уй-жойларининг энергия самарадорлигини оширишга жами 365 миллиард сўм "яшил" кредитлар ажратилди.

Айтиш керакки, табиий газ қуёш панеллари учун Қорақалпоғистон Республикаси (23 та), Тошкент (19 та), Андижон (1 та), Самарқанд (1 та), Қашқадарё (23 та) Сирдарё (2 та), Хоразм вилоятларида (1 та) жами 70 та маҳалла ҳудудида ер ажратиш бўйича қарорлар чиқарилди. Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги Нодирабегим номидаги маҳаллада қуёш фотозлектр станциясини қуриш ишларига старт берилди.

Энергия тежаш ва муқобил энергия манбаларини ўрнатиш бўйича маҳалла рейтинг юритилади ҳамда йил якуни билан "Энг электр тежамкор маҳалла" танлови ўтказилади. Маҳаллаларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига арзонлаштирилган ва тежамкор электр асбоблари савдоси бўйича "Энергия ярмаркаси" ўтказиш амалиёти йўлга қўйилади. Ҳар бир туман (шаҳар)да 5 тадан хонадонни намунали "Энергия тежамкор уй" сифатида жиҳозлаш (изоляция, қуёш панеллари, ақлли чиқоқлар) ишлари амалга оширилади.

Дастлабки босқичда оғир тоифадаги 49 та маҳаллага 10,6 МВт қувватли қуёш фотозлектр станциялари қурилади. 2 628 та маҳалла биноси ҳамда 1 477 та кам таъминланган оилаларнинг хонадонларига "маҳалла бюджети" маблағлари ҳисобидан қуёш панеллари ўрнатилди.

Шу билан бирга, аҳолига "яшил" кредитлар бериш, уларни қафиллик ёки иш ҳақи маълумотлари асосида ажратиш, субсидияларни бошқа маиший турдаги энергия самарадор ускуналарга ҳам қўллаш, хонадонларни энергия аудитидан ўтказиш харажатларини тўлиқ қоплаш тизими жорий этилади. Энергия самарадорлигини аниқ кўрсаткичларда ифодаловчи "яшил" стандартлар жорий қилинади.

МАНЗАРА

Муваффақият астойдил меҳнат, жонкуярлик ва сабрнинг натижаси

Ҳозирги ёшларнинг ҳаракатчанлиги, орзулари йўлида астойдил тиришяётгани алоҳида фахр уйғотади.

Рустам ЖУМАНАЗАРОВ, Шуманай туманидаги "Бирлешик" маҳалласи ёшлар етакчиси.

Бугун маҳалламизда 666 нафар фаол ёшлар бор. Уларнинг кўпчилиги ўз йўлини топган, меҳнат қилиб, тақдирини ўзи белгилашга киришган. Айниқса, деҳқончилик ва чорвачилик йўналишларида ёшларнинг фаоллиги қувонарли. 2024 йилда 7 нафар ёш бирлашиб, 5 гектар ер олди ва кунгабоқар экди. Кунгабоқар бир марта суғорилса кифоя, сувсизликка чидамли. Ёшлар сув кам бўлган ҳудудда серхосил маҳсулот етиштириш имкончилигини исботлашмоқда.

Шу билан бирга, 50 нафар ёшга ажратилган ер майдонларида мош, яна 10 нафари кунжут ҳамда жўхори етиштириш билан шуғулланыпти. Энди ерлар бўш ётмаяпти, ёшлардан фойда чиқмоқда, далалардан ризқ оқмоқда.

Имтиёзли кредитлар асосида ўз йўлини топаётган ёшлар талайгина. Жумладан, яқинда ишсиз бўлган Ойгул Жумабоевага 100 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Ойгул бу имкониятдан тўғри фойдаланди — уйда аквариумда балик етиштиришни йўлга қўйди. Яна 3 нафар тенгдошининг бандлигини таъминлади. Ҳозирча ишни энди бошлаган бўл-



са-да, 6 ойдан сўнг даромад келтира бошлайди. Бу лойиҳа маҳалламиз қизлари ҳам имкониятдан унумли фойдалана олаётганини кўрсатмоқда. Маҳалламизда ҳаракатчан, иродали йигитлар ҳам кўп. Улардан бири — Аллаёр Жумабоев. У ўз уйи ёнида балиқчилик хизматини йўлга қўйди. Сазан балиқларни Кўнғирот туманидан олиб келиб, шу ернинг ўзида пишириб, аҳолига тақдим этмоқда. Унинг хизматидан мамнун миқдорда кўп, бу эса ҳаракатнинг маҳсули.

Маҳалламиз ёшларининг 50 нафарга яқини хорижда меҳнат қилляпти, ўқияпти. Уларнинг кўпи қурилиш соҳасида банд бўлса, 10 нафардан ортиғи Англия, Туркия, Корея каби давлат-

ларда олий таълим муассасаларида таҳсил оляпти. Бу халқаро тажриба, эртанги кун учун катта сармоя бўлиши шубҳасиз. Маҳалламизда бу йил 30 нафар мактаб битирувчиси бор. 16 нафар ёш олий таълим муассасасини якунлади. Улардан 4 нафари ўз соҳалари бўйича иш билан таъминланди. Мактаб битирувчилари эса тест имтиҳонларидан ўтди. Ҳар бирига омад тилаймиз, лекин ҳаёт шуни кўрсатадики, ҳамма ҳам олий таълимга кира олмайдди. Шу сабабли биз олдиндан режа тузганмиз: кимга ер керак бўлса — ажратамиз, кредит керак бўлса — берамиз. Баъзиларининг ишлаб чиқариш қорхоналарига ишга жойлаштирамиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, орзуси улкан, режаси бор ёшлар кўп. Улардан бири тест натижаларини интиқлик билан кутмоқда. Агар кира олмаса, зудлик билан ўз бизнес режасини ҳаётга таъбиқ этмоқчи. Ёшларимиз фақат иқтисодий соҳада эмас, интеллектуал ва спорт йўналишларида ҳам фаолдир. Яқинда ўтказилган вилоятлараро "Заковат" интеллектуал ўйинида ёшларимиз фахрли 3-ўринни эгаллашди. Бу — биз учун катта ғурур. Шунингдек, футбол бўйича ДХХ кубогига туманда 2-ўрин, енгил атлетика мусобақасида 3-ўрин насиб этди. Ҳар бир натижа тер тўқилган меҳнат, жонкуярлик ва сабр маҳсулидир.

Маҳаллада китобхон ёшларнинг ютуқлари мактовга арзигулик. Айниқса, Насиба Сафарбоева "Ёш китобхон" танловининг туман ва вилоят босқичларида ғолиб чиқиб, республика босқичида иштирок этди. Бу ютуқ бошқаларига ҳам китобга меҳр уйғотди.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

“Чугуртма”га равон йўллар элтади



Ғузур туманидаги “Чугуртма” маҳалласида аҳоли фаровонлиги йўлида муҳим ташаббусга қўл урилди: ички кўчаларни асфальтлаш ишлари бошлаб юборилди.

Ташаббуси бюджет” лойиҳасининг 2025 йилдаги 1-мавсумида маҳалла аҳли фаоллик билан иштирок этди. Аҳолининг бирдамлиги, ташаббускорлиги туфайли 5 496 та овоз йиғилди ва ички йўллари асфальтлаш лойиҳаси ғолиб, деб топилди. Хозирда 3,5 километр масофадаги йўлга асфальт ётқизиш ишлари босқичма-босқич давом эттирилмоқда. Ишлар очик ва жамоатчилик ишти-

рокида олиб борилаётгани халқнинг бу лойиҳага бўлган ишончини янада оширди. — Маҳалламиз аҳолиси ҳар доим фаоллиги билан ажралиб келади, — дейди маҳалла раиси Раҳматилла Раҳимов. — Йўлларимиз кўп йиллардан бери носоз эди. Энди, мана, ҳаммамиз бирлашиб, муаммони ҳал қилдик. Бу бир томондан давлатимиз яратиб берган имконият бўлса, иккинчи томондан, халқимизнинг бирлиги, ташаббуси натижасидир. Энди болаларимиз бемалол мактабга қатнайди, каттаю кичик қўлайлиқни ҳис қилади. Бундай лойиҳалар давомли бўлишига ишонамиз. Бу каби амалий ишлар Ғузур туманида аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш, уларнинг узоғини яқин қилиш йўлида олиб борилаётган ёндашувларнинг натижасидир.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Гулсал ЖАЛОЛОВА. Яккасарой тумани: — Турмуш ўртоғимнинг уйда рўйхатда тураман ва шу ерда яшайман. 3 нафар фарзандим бор. Уйда тез-тез жанжаллар бўлади. Қайнсинглим ва қайнонам менга нисбатан ҳақорат ва тан жароҳатлари етказишади, баъзан уйдан ҳайдашга уринишади. Шу ҳолатда ўзимни қонуний ҳимоя қилишим учун нима қилишим керак? Менга ҳимоя ордери бериладими?

УЙДАГИ ТАЗЙИҚҚА ҚАРШИ ЧОРА БОРМИ?



Саҳоват МЕЛИЕВА, Яккасарой тумани ИИО ФМБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори: — Сиз айтган ҳолатлар, яъни оиладаги жанжаллар, ҳақорат ва жисмоний зўравонликлар, шунингдек, уйда яшаш ҳуқуқининг бузилиши — буларнинг барчаси қонунчиликда "маиший зўравонлик" деб баҳоланади. Бу каби ҳолатларда аёл ўзини қонуний ҳимоя қилиши мумкин ва керак. Қонунчиликка кўра, сиз каби жабрланувчиларга 30 кунгача амал қиладиган ҳимоя ордери берилиши мумкин. Бу ордер сизни зўравонлик қилган шахс билан вақтинча бир уйда яшадан озод этади, у сизга яқинлаша олмайдди, сизга нисбатан ҳар қандай таъйиқ ёки таҳдид қилишига йўл қўйилмайди. Бунинг учун сиз яшаб турган ҳудудингиздаги ички ишлар бўлимига ёки маҳаллангиздаги профилактика инспекторига ёзма равишда мурожаат қилишингиз кифоя. Мурожаат 24 соат ичида қўриб чиқилади. Зўравонлик ҳолатлари тасдиқланса, сизга ордер расмийлаштирилади. Шунингдек, сиз рўйхатда турган уйдан сизни ҳеч ким, ҳатто қариндошлар ҳам, суд қарорисиз ҳайдаб чиқара олмайдди. Бундай уринишлар бўлса, сиз судга мурожаат қилиб, ўзингизни ва фарзандларингизни ҳимоя қилишни сўрашингиз мумкин. Аёлларга нисбатан зўравонликка қонун олдида мутлақо йўл қўйилмайди. Шундай ҳолатларга бефарқ бўлмаслик ва ўз вақтида мурожаат қилиш — энг тўғри йўллар. Биз бундай ҳолатларда сизга доимо ёрдам беришга тайёرمиз.



Сув объектлари 3 йилдан кам бўлмаган ва 49 йилдан ошмаган муддатга ДОИМИЙ ЁКИ ВАҚТИНЧА ФОЙДАЛАНИШГА берилди.



ПЕДАГОГЛАР ВА ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИ дам олиш масканларига қабул қилиш тартиби белгиланди.



Янги қонун билан сотувчиларни олди-сотди шартномасида кўрсатилган мажбуриятларни ЎЗ ВАҚТИДА БАЖАРИШГА УНДАЙДИГАН МЕЪЁРЛАР белгиланди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Республика ишчи штаби ташкил этилди

2 644 ТА СУБЪЕКТ БЎЙИЧА 449,7 МИЛЛИАРД СЎМЛИК СОЛИҚ ТЎЛОВЛАРИ МУДДАТИ 2026 ЙИЛ 1 ЯНВАРГАЧА УЗАЙТИРИЛДИ

Президент раислигида мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини кўпайтиришда янги захира ва имкониётларни ишга солиш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини сўзсиз таъминлаш мақсадида Солиқ кўмитасининг навбатдан ташқари Хайъат йиғилиши ўтказилди.

Унда иссиқхоналардан қисқартирилиб соҳаларга йўналтирилган табиий газ сарфининг самарадорлигини ўрганиш, баҳолаш ва натижалари билан тегишли хулоса тайёрлаш мақсадида кўмитанинг Республика ишчи штаби ташкил этилди. Амалга ошириладиган аниқ вазифалар белгиланиб, 4 та ишчи гуруҳи тузилди. Уларнинг асосий вазифаси:

- иссиқхоналарни махсус саволнома-лар асосида тўлиқ хатловдан ўтказиш, улар билан учрашиш, муаммоларини аниқлаш;
- иссиқхоналарнинг ҳисоби, ер майдони, ишлаб чиқарилган маҳсулот, ишлатиладиган ёқилғи ҳажми ҳисоби, электрон газ ҳисоблагичлар интеграциясини назарда тутувчи ягона электрон дашборд ишлаб чиқиш;
- ишлатилган табиий газ ҳажми самарадорлигини соҳалар бўйича баҳолаш;
- иссиқхоналарга солиқ мажбурия-

тини бажаришга кўмаклашиш, жумладан, қўлланилган молиявий жарималарни тегишли қарор қабул қилингунга қадар ижрога қаратиш муддатини ўзгартириш орқали уларнинг ҳисоб рақамлари ҳаракатини барқарорлаштириш;

– иссиқхоналар фаолиятида мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган меъёрий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишга қарор қилинди.

Солиқ кўмитаси Раиси Шерзод Кудбиев раҳбарлигида ташкил этилган Ишчи штаб томонидан жойлардаги иссиқхона ҳўжаликларига мавжуд муаммолар ўрганиляпти. Тадбиркорлар билан очик мулоқотлар ўтказилиб, уларнинг эҳтиёж ва билдирган тақлифлари асосида амалий ёрдам кўрсатилляпти. Жумладан, ушбу жараёнда тадбиркорларга солиқ мажбуриятларини бажаришга яқиндан кўмаклашляпти. Хусусан, Солиқ кўмитаси томонидан 3,3 мингта иссиқхона ҳўжалигининг ҳар бири бўйича солиқ



қарзи ва молиявий жарималарни тўлаш муддати уларнинг шахсий ҳисоб карточкаларида узайтирилиб, тижорат банкларидаги ҳисоб рақамлари ҳаракати барқарорлаштирилмоқда. 2 644 та субъект бўйича 449,7 миллиард сўмлик солиқ тўловлари муддати 2026 йил 1 январгача узайтирилди. Бундан ташқари, 2 490 та ҳўжалик субъектига тегишли 2 831 та объект бўйича 8,7 минг гектар ер майдони санонат тоифасидан кишлок ҳўжалиги тоифасига ўтказилди. Натижада уларнинг ихтиёрида 48,8 миллиард сўм маблағ қоляди. Бу, ўз навбатида, соҳада фаолият кўрсатаятган бизнес субъектлари айланма маблағларининг кўпайиши ва иқтисодий ҳолатининг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади. Худудларда иссиқхона ҳўжаликлари кўллаб-қувватлаш бўйича амалий ҳаракатлар давом эттирилмоқда.

Солиқ кўмитаси Ахборот хизмати.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Баҳодир ЮНУСОВ, Самарқанд вилояти:

– *Иссиқхона ташкил этиб, лимон етиштиришни бошласам, қандай имтиёزلардан фойдаланишим мумкин?*

ЛИМОН ЕТИШТИРУВЧИЛАРГА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗ БОР?



Музаффар НАЗАРОВ, Солиқ кўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари:

– 2025-2026 йилларда лимончиликни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат томонидан иссиқхона ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун бир қатор имтиёзлар белгиланган. Жумладан, лимон етиштиришга ихтисослашган худудларда аҳоли хонадонларида ва ижарага берилган ер майдонларида ихчам иссиқхоналар қуриб бериш ҳамда 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш шарти асосида сотилади. Етакчи тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга хорижий тажрибаларни ўргатиш, зарур ҳолларда хорижда тажриба орттириш ва халқаро даражада тан олинган сертификатлар олиш учун ҳар йили 5 миллиард сўм маблағ ажратилади. Хорижий давлатлардан лимон мевасидан мурabbo, жем ва лимонад ишлаб чиқариш ускуналарини олиб келиш, ўрнатиш ҳамда тадбиркорларга лизинг асосида беришни йўлга қўйиш белгиланган. Амалдаги кредитлар ва фоиз қарздорликларини қайта молиялаштириш орқали лимончилик ҳўжаликлари фаолиятини имтиёзли шартларда соғломлаштириш чоралари қўрилмоқда.

“СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ”

Тўғри ёндашув қарздорлик ва яширин иқтисодиётга барҳам берди

Солиқ инспекторларининг маҳалла даражасига туширилиши давлат бюджети учун ҳам, халқ учун ҳам катта қўлайликлар яратди. Айниқса, менга бириктирилган маҳаллалар аҳолиси каби туман марказидан 35 километр олисда бўлганлар учун олдингидек солиқ идорасига қатнаб, ортиқча вақтини ва пулини сарфлашга ҳожат қолмади. Солиққа оид барча масалаларни уйдан чиқмаган ҳолда “Soliq” мобил иловаси ёрдамида бажаряпти.

Тўлқин РИЗАҚУЛОВ, Китоб туманидаги “Севаз”, “Искана”, “Сарой” ва “Тупчок” маҳаллалари солиқ инспектори.

“Маҳаллабай” ишлаш тизими ташкил этилмасдан олдин фуқароларнинг мол-мулк ва ер солигидан 3-4 йиллаб қарздорлиги кузатилар эди. Ҳозир тушунтириш ва тарғиботлар натижасида солиқларни ўз вақтида тўлаяпти. Бунинг натижасида июль ойида ҳам белгиланган режани 110 фоизга бажариб, 475 миллион 564 минг сўм солиқ тушумини таъминладик. Бу ўтган йилнинг мол даврига нисбатан 102 миллион сўмга кўп. Маҳаллалар аҳолисининг аксарияти узумчилик билан шуғулланади. 114 та фермер ҳўжалигининг 80 фоизи узумчилик



ка ихтисослашган. 110 та деҳқон ҳўжалиги ҳам узум етиштириб, даромад оляпти. Фуқароларни солиқ қонунчилиги, имтиёз ва имкониётлар ҳақида хабардор этганимиздан сўнг кишлок ҳўжалигидан ташқари, чакана савдо, қурилиш моллари ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам тадбиркорлар кўпайди. Шаҳрисабз худудига ёндаш “Искана” маҳалласида ёзги мавсумда аҳолининг дам олишлари учун уй меҳмонхоналари ташкил этилиб, қўлай шароитлар яратилляпти. Бугун ишляман, деган одамга имкониёт, “маҳалла еттилик” каби яқин кўмакчиси бор. Фақат қонуний иш юритса, бас. Шу боис бўлажак тадбиркорлар-

га қонуний фаолият юритиши бўйича маслаҳатлар берилиб, йўл-йўриқ кўрсатилляпти. Тавсияларимизга амал қилганлар яхши даромад топиб, солиқларни ўз вақтида тўлаяпти. Тўртта маҳаллада фаолият юритаётган 47 та юридик корхона, 35 нафар яқка тартибдаги тадбиркор ана шундай намуналиклардан. Мақсадимиз – ҳар бир фуқаронинг муаммосини маҳалланинг ўзида ҳал этиш. Яширин иқтисодиётга барҳам бериб, тадбиркорларнинг қонуний фаолият юритишини таъминлашдир. Шу боис жорий йил 36 та корхонада норасмий ишлаётган 128 нафар фуқаронинг фаолияти қонунийлаштирилди. Июль ойида икки нафар фуқарога тадбиркорлик

субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтишига ҳамда молиявий қийинчилик сабаб вақтинча фаолиятини тўхтатган бир нафар тадбиркорнинг қайта иш бошлашига кўмаклашдик. Яна бир фуқаро яширин иш фаолияти сабаб, жаримага тортилиб, фаолияти вақтинча тўхтатилган эди. У кишига яширин иқтисодиётнинг оқибатлари ҳақида тушунтириш берганимиздан сўнг ошхона бизнеси фаолиятини қонуний юрита бошлади. Энди ҳеч нарсадан ҳадисирамай, аста-секин даромадга ўтляпти. Худудда ваколатимиз доирасида ҳал этиб бўлмайдиган бир неча муаммолар бор. Биринчиси, фермер ҳўжаликларимиз бир

йил олдин шартнома асосида сотган узум ҳосили пулларини ололмаляпти. Бу борада уларга тегишли ташкилотларнинг кўмаги керак. Олдимизда ҳали қилинадиган ишлар кўп. Биринчи боғдорчилик соҳасини ривожлантиришни режалаштиряпмиз. Шунингдек, турли йўналишда тадбиркорлик субъектлари сонини кўпайтириб, солиқ тушумлари ва тадбиркорларнинг товар айланмасини оширишни ўйляпмиз. Шу тариха “маҳалла бюджети” кенгайиб, маҳаллалар ободлиги таъминланади, ижтимоий-иқтисодий муаммолар бартараф этилиб, аҳоли фаровонлиги юксалади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Кундузги парварииш хизмати йўлга қўйилди

Булунғур туманида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ногиронлиги бўлган болалар кундузги парварииш хизмати фаолияти йўлга қўйилди.



Ғолиб ҲАСАНОВ, журналист.

Туманнинг “Истиклол” маҳалласида тадбиркор Сарвиноз Баҳодирова томонидан ташкил этилган муассаса “Камбағаллик реестри” ёки “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган оила аъзоси бўлган, ўзгалар парвариишига муҳтож етти нафаргача шахсга хизмат кўрсатади. – *Кундузги парварииш хизмати ҳафтада беш кун, яъни иш кунларида фаолият олиб*

боради, – дейди Сарвиноз Баҳодирова. – Ўзгалар парвариишига муҳтож, ногиронлиги бўлган кишилар кунига саккиз соатгача вақтинча шу ерда ўтказадилар. Ходимларимиз уларга қараб туриш билан бирга мулоқот қилиш, шахсни ўзига ўзи хизмат қилиш, енгил спорт машқларини бажаришга ўргатади. Бир маҳал иссиқ оёқат, икки маҳал енгил таом бериляди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Самарқанд вилояти бошқармаси маълумотига кўра, айни пайтда вилоятнинг 15 туман ва шаҳарида шу каби кундузги парварииш хизмати фаолияти йўлга қўйилган.



Давлат ташилотларида ҳар иш кунининг муайян вақтида **ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ҲАРАКАТ ФАОЛЛИГИ** бўйича тадбирлар ўтказиб борилади.



Балиқчилик, саноат, энергетика ва хўжалик-маиший эҳтиёжлар учун сув олиш тартибини муҳофизат қилиш учун **МОЛИЯВИЙ САНКЦИЯЛАР ҚўЛЛАНАДИ.**



ҲУКУМАТ ҚАРОРИ БИЛАН "Кўча номи ва кўчмас мулк объекти рақами кўрсаткичини ўрнатиш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Латофат БЕГЖОНОВА.
Анджон вилояти:

– Бир ходимимиз таътил даврида Россияга кетганди. Таътили тугади, лекин ишга чиқмаяпти. Унга қандай чора кўрсак бўлади, меҳнат шартномасини бекор қила оламизми?



ТАЪТИЛДАН ҚАЙТМАГАН ХОДИМГА ҚАНДАЙ ЧОРА КўРИЛАДИ?

Муҳаммаддин КАРИМЖОНОВ,
хуқуқшунос, адвокат:

– Бу эҳтиёткорлик билан ёндашиладиган ҳолат. Меҳнат шартномасини бекор қилиш учун қонуний асос ва зарурий ҳужжатлар мавжуд бўлиши шарт. Агар ходимнинг узоқ муддат давомида узсиз ишга чиқмаслиги аниқланса, бу ҳолат Меҳнат кодексининг 161-моддаси иккинчи қисмининг 5-бандига мувофиқ, меҳнат мажбуриятларининг бир марта қўпол равишда бузилиши сифатида баҳоланади ва меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин. Бу интизомий жазо чораси ҳам саналади. Бундай вазиятда меҳнат шартномасини бекор қилиш қонуний бўлиши учун ходимдан ёзма тушунтириш хати талаб қилинади. Агар ходим тушунтириш хати беришни рад этса, бу рад жавоби гувоҳлар иштирокида далолатнома билан расмийлаштирилади. Видео ёки аудиотасвир орқали рад этишни тасдиқловчи материалларни сақлаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Шундан сўнг ходимга нисбатан интизомий жазо сифатида меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича буйруқ чиқариш мумкин. Маслаҳатим, Россияда бўлган ходим билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қилинг, ундан ёзма равишда тушунтириш хати сўранг (электрон почта, телеграм орқали бўлса ҳам). Агар у тушунтириш хати беришдан бош тортса, гувоҳлар иштирокида ёзма далолатнома тузинг. Шундан сўнг уни меҳнат мажбуриятини қўпол равишда бузганилик деб баҳолаб, шартномани бекор қилишингиз мумкин.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

Назоратсиз қолдирилган муҳитда жинойт кўпаяди



Маҳаллада 638 та хонадонда 3332 нафар фуқаро истиқомат қилади.

Ҳар доимгидек, кеч оқшомда чойхона одамлар билан гавжум. Атроф машиналар билан тўла. Кимдир шошганидан, кимдир эътиборсизлигидан машинаси эшикларини қулфламасдан, очик қолдирган. Айримлари қалитни ҳам унутган.

Улуғбек ИСЛОМҚУЛОВ,
Сирдарё туманидаги "Исломобод" маҳалласи профилактика инспектори, катта лейтенант.

Бундай ҳолатлар кўли ва кўнгли эгрилар учун тайёр ўлжа. Ойдинтор кўчасидаги "Бухоро" чойхонасида мана шундай қаровсиз қолдирилган автомобиллардан бири – вояга етмаган боланинг эътиборини тортди. У машинани ўт олдириб, ҳайдай бошлади, лекин узоққа кетолмади. Камера кузатувлари доимий назоратда бўлгани учун тезда ушладик. Боланинг ота-онасига фарзандини назоратсиз қолдиргани учун маъмурий жавобгарлик қўлланилди. Хайдовчи эса машинасини қаровсиз қолдиргани учун

Худуд хавфсизлигини таъминлаш учун маҳаллага кинриб-чиқиш кўчаларга, жамоат жойлари ва савдо дўконларига 60 дан ортиқ замонавий видеокузатув қурилмалари ўрнатилди. Уларнинг 14 таси хизмат хонамга интеграция қилинган.



огоҳлантирилди. Кузатиш ва тажрибаларимдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, вояга етмаган боланинг бундай ҳолатга қўл уриши оилада муҳит яхши эмаслигини, фарзанд тарбиясига етарлича эътибор берилмагани натижасида юзага келади. Шу боис "маҳалла еттичилиги" билан биргаликда ҳуқуқбузарлик содир этиши ва жинойт қурбонига айлиб қолиши мумкин бўлган 52 нафар фуқарони алоҳида тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли ишлаяпмиз. Ҳар бири ҳақида "еттилик" аъзоларига ижтимоий профилактик хулосаси асосида бириктириб, кунига учта оилага кириб, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини биргаликда ҳал этяпмиз. Кечкурун туман ички ишлар бўлимининг тунги навбатчилик гуруҳи аъзолари нотинч, спиртли ичимликка ружу қўйганлар хонадонидан хабардор бўлишди. Мудофаа ишлари бўлими билиб-билмай ҳуқуқбузарлик содир этган тўрт нафар вояга етмаган болани оталиққа олиб, уларни тўғри йўлга қайтариш, ижтимоий муаммоларини ҳал этиш бўйича ишлаяпти. Бу ерда 2022 йил иш бошлаганимда сурункали спиртли ичимлик истеъмол қилувчи фуқаролар кўп эди. Юқорида айтганимдек, уларни алоҳида тоифага ажратиб ишлаганимиз, наркология диспансерида доимий даволатишимиз натижасида улар сони кескин камайди. Кўпчилиги

тўғри йўлга қайтди. Сўнгги пайтларда тунги вақтда вояга етмаган боланинг назоратсизлиги кўпаймоқда. Шу боис 23:00дан кейин рейдлар ўтказиб, кўча-куйда мақсадсиз юрган вояга етмаганлар шахсига оидлик киритиб, улар билан тарбиёт-тушунтириш ишлари олиб боряпмиз. Ота-оналари чақиртирилиб, уларга фарзандини назоратсиз қолдиргани учун тегишли чоралар кўриляпти. Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқбузарлик содир этиши мумкин бўлган оилалар билан манзилли ишлаяпмиз. Шу тариха энг куйи бўғиндаги вазият ва муаммоларни чуқур ўрганиш асосида маҳаллани жинойатдан холи худудга айлантирдик. Бирок маҳалла М-34 халқаро автомобиль йўли бўйида жойлашгани учун йўл-транспорт билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва автоҳалокатлар содир бўлиб туради. Яқинда икки хайдовчи йўл талашиб, бир-бири билан жанжаллашиб қолди. Ҳар иккала хайдовчи бошқа худудда яшайди. Назаримда, бундай ҳолатлар профилактика инспекторлари иш фаолиятига таъсир қиладиган даражада баҳоланмаслиги керак. Чунки биз, йўл-патруль ходимлари эмасмиз. Тўғри, худудда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бизнинг зиммамизда, лекин йўл-транспорт ҳодисаси содир этаётган хайдовчиларнинг биронтаси бизнинг маҳалладан эмас.

ХАБАРДОРМИСИЗ?

Болалар зўравонликдан ҳимоя қилинади

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан "Болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини аниқлаш, зўравонлик хавфи даражасини баҳолаш, ҳимоя қилиш режасини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланди.

Низомга кўра, зўравонликдан жабрланган ёш боланинг нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болалар беvosита ўзлари ёхуд қонуний вакиллари "Инсон" марказлари, ички ишлар органлари ва бошқа масъул органларга мурожаат қилади. "Инсон" марказлари ички ишлар органлари иштирокида боланинг ҳаётини вазиятини 1 кун муддатда ўрганади. Бу жараёнда "Инсон" маркази боланинг ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солувчи омилларни дастлабки баҳолашдан ўтказиши ҳамда хавф даражасини "пас" ёки "юкори" деб топиши мумкин. Хавф даражаси "юкори" деб баҳоланганда, ички ишлар органи куйидаги чоралардан бирини кўради: – зўравонлик содир этган шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш ҳамда процессуал мажбуриятларни қўллаш; – болага ёхуд унинг қонуний вакилига ҳимоя ордери бериш; – болани ота-онасидан (уларнинг биридан) ёхуд уни ўз қарамоғига олган бошқа



шахслардан олиб қўйиш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш. Таҳдид солувчи омиллар бартараф этилганда, "Инсон" маркази боланинг ҳаётини вазиятини 14 календар кун ичида комплекс баҳолашдан ўтказиши. Комплекс баҳолаш натижаларига кўра, 3 иш кунини ичида болани ҳимоя қилиш режаси ишлаб чиқилади. Болаларга нисбатан зўравонлик содир этиши содир этишга мойил бўлган шахсларга

Жорий йилнинг биринчи ярмида Болалар омбуздсмани номига 885 та мурожаат келиб тушган.

- қуйидаги таъсир чоралари қўлланилиши мумкин:
- тузатиш дастуридан ўтиш;
- болаларини олиб қўйиш;
- ота-оналик ҳуқуқини чеклаш ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш.
- наркология муассасаларида мажбурий даволаш;
- мажбурий тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини тайинлаш.

ҲУҚУҚИЙ КўМАК

Маъмурий қамоқ кимларга нисбатан қўлланилади?

Маъмурий қамоқ, бу – энг оғир жазолардан бири бўлиб, фуқаронинг шахсий эркинлигини вақтинча чеклаш чораси сифатида қўлланилади.

Жавоҳир ЭШОНҚУЛОВ,
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси.

Аммо бу чора барча ҳолатда, ҳамма шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас. Ҳўш, қандай ҳолатларда маъмурий қамоқ жазоси қўлланилади? Маъмурий қамоқ муддати оддий ҳолатда 3 суткадан 15 суткагача, фавқулодда ҳолат тартибиде, яъни Ўзбекистон Республикасида расмий фавқулодда ҳолат жорий этилган бўлса, 30 суткагача қўлланилади. Маъмурий қамоқ оддий ҳолатларда жиноий ишларга оид туман (шаҳар) суди томонидан, фавқулодда ҳолатда ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан амалга оширилади. Бу чора расмий ажрим билан, суд тартибиде ёки фавқулодда шароитда ҳам ваколатли шахс томонидан белгиланади.



Маъмурий қамоқ ҳомиладор аёллар, 3 ёшгача фарзанди бор аёллар, 14 ёшгача болани ёлғиз тарбиялаётган шахслар, 18 ёшга тўлмаган шахслар, 1- ва 2-гурӯх ногиронлиги бор фуқароларга татбиқ этилмайди. Қонун бу шахсларни шахсий ҳолатлари ва ижтимоий эҳтиёжлари боис жазо чоралари таъсиридан ҳимоя қилади.



2026 йилда Тошкент — Самарқанд йўналиши бўйича ЮҚОРИ ТЕЗЛИКДАГИ ТЕМИРЙЎЛ қурилиши бошланади.



Ер, кредит, субсидия ва агрохизматлар бўйича “РАҚАМЛИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ” агрона интеграцион платформаси ишга туширилади.



Ўзбекистон товар-хонашў биржаси орқали АВТОМОБИЛЬ РАҚАМЛАРИ САВДОСИ биринчи ярим йилликда 378,7 миллиард сўмни ташкил этди.

ЛАВҲА

Маҳалладошимиз Аҳмаджон Аҳмаджонов — ногиронлиги бўлган фуқаро. Бир неча йилдан буён хасталиги сабаб даволаниб келади. 3 нафар вояга етмаган фарзанди бор. Узи жуда камгап, оғир-вазмин йигит. Оиласи ва болалари учун кўрсатаётган ғамхўрлигини кўриб, нақададир масъулиятли эканини англаш мумкин.

ТУРМУШИ ВА ТАҚДИРИГА ТАЯНЧ БЎЛМОҚ ФАХРДИР

Дилдорахон ВАЛИЕВА, Фарғона шаҳридаги “Ерматор” маҳалласи ижтимоий ходими.

У жорий йилнинг феврал ойида идорамизга иш топишда ёрдам беришимизни сўраб келди. Шу вақтга қадар фаолият юритган корхонаси ёпилгани боис йигит ишсиз қолибди. Норасида гўдакларини боқиб учун бозорда аравақашлик қилаётганини айтди. Аҳмаджоннинг мурожаати мени бафарқ қолдирмади. Унинг мушкулсини осон қилиш мақсадида зудлик билан ишга киришдим. Бир неча ташкилотлар билан гаплашдим. Лекин фуқаронинг соғлигидаги муаммо сабаб муносиб жой топиш биров қийин кечди. Ниҳоят март ойининг охирига бориб, ниятимиз амалга ошди. Аҳмаджонни Фарғона шаҳар сув қурилиш инвестиция муассасасига қоровул сифатида ишга жойлаштирдик. Аслида, бир кичик мурожаат ортида қанча инсонларнинг тақдири ва турмуши турганини улар билан мулоқот қилган, дардини юрагидан ўтказган одамгина билди. Ҳар сафар Аҳмаджон каби қалби ўқик инсонларга кўлимдан келганча ёрдам бериб, оз бўлса-да савоб олаётганимдан ҳамда ногиронлиги бўлган фуқароларнинг жамиятнинг бошқа аъзолари билан тенг ҳуқуқлилигини ҳис қилишига ҳиссам қўшилаётганидан хурсанд бўламан. Озгина қилган ҳаракатим билан оиланинг мустақамлигига, фуқаронинг ижтимоийлашувига, қўшимча даромадга эга бўлишига сабаб бўлганидан бошим осмонга етди.

МАНЗАРА

Ижтимоий фаолликни ошириш — устувор вазифамиз



Халқ ичида бўлиш, одамлар билан дилдан суҳбатлашнинг гашти ўзгача. Ҳар тонг улар билан учрашиш сари ошқаман. Тўғри, тинглайдиганларим орасида оғир тақдирлар, синовли кечмишлар жуда кўп. Лекин уларни ижобий тарафга ўзгартириш билан қийинчиликларим унут бўлади.

Гулчехра НАУРИЗИМБЕТОВА, Кегейли туманидаги “Жузимбоё” маҳалласи ижтимоий ходими.

Туман марказидан 22 километр узоқда жойлашган маҳалламизда 4 390 нафар аҳоли истикомат қилади. 1 155 та оиланинг 62 таси болалар нафақаси ва моддий ёрдам олиб келмоқда. 8 нафар ўзгалар парваришига мухтож, ёлғиз яшовчи кексаларга маънавий хизмат кўрсатиш мақсадида ижтимоий ассистентлар бириктирилган. Шунингдек, маҳалламизда 182 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро яшайди. Уларнинг эҳтиёж ва ҳолатларидан келиб чиқиб, тизимли равишда ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Жорий йил бошидан буён 26 нафар шу тоифадаги шахс реабилитация қилишнинг техник воситалари ва 5 нафар фуқаро тез-ортопедия мосламалари билан таъминланди.



Маҳалламиздаги 111 та хонадон вакиллари “Камбағал оилалар реестри”га киритилган. Улар учун алоҳида-алоҳида иш режаси тўзиб чиқилиб, камбағалликдан чиқариш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Айниқса, меҳнат қилиш имкониятига эга бўлган ногиронлиги бор фуқаролар тадбиркорлик субъектларига ёки ўз ихтисослиги бўйича ишга жойлаштирилди. Бу орқали уларнинг ҳам жамият ҳаётида фаол иштирок этишига йўл очилмоқда.

Аҳолининг турмуш даражасини ошириш, камбағалликни қисқартириш ва ҳар бир фуқаронинг ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу кўрсатиш ҳамда ҳаёт сифатини энг ноқий қатламга нисбатан инсоний

этибор ва адолат тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш муҳим воситага айланмоқда.

Хусусан, маҳалламизда истиқомат қилувчи Ибодовлар оиласида ўтказилган сўровнома жараёнида уларнинг ишсиз эканини, агар шароит яратилса, уй олди ҳовлисида иссиқхона қуриш нияти борлиги маълум бўлди. Маҳалла ҳоким ёрдамчиси томонидан иссиқхона учун кредит ажратилиб, оила ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Шунингдек, реестрга киритилди ва турмуш ўртоғи фарзанд тарбияси билан шуғулланаётгани сабабли болалар нафақаси тайинланди. Газ ва электр энергияси учун компенсация олиш бўйича ариза қабул қилинди. Оила фарзанди учун эса болалар оромгоҳига бепул йўланма ажратилди.

Бизнинг асосий мақсадимиз — эҳтиёжманд аҳолини ишла қилиш, даромадини ошириш, уларга манзилли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилашдан иборат.

ТАҚДИРЛАР

ҲАР БИР ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ АЛОҲИДА ЭЪТИБОРДА

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига асосан, 2025 йил 1 мартдан бошлаб, таъриба-синов тариқасида босқичма-босқич республиканинг 7 та ҳудудда 3 ёшдан 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар учун давлат-хусусий шериклик асосида кундузги парвариш хизмати ташкил этилиши белгиланган.

Элбек ШОЙИМҚУЛОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси матбуот котиби.

та қизиқиш билдираётгани қувонарли ҳолат.

Марказда ҳар бир боланинг ёши, имконияти ва ҳолатидан келиб чиқиб алоҳида режа асосида парвариш ва ривожлантириш ишлари олиб борилади. Ижтимоий мослашув, реабилитация, таълим ва маданий фаолиятлар уйғунлигида ташкил этилган ушбу хизмат болаларнинг ҳаёт сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундай масканлар нафақат болаларга, балки уларнинг ота-оналари учун ҳам катта имкониятлар эшигини очмоқда.

Зеро, илгори ногиронлиги бўлган фарзанднинг парвариши билан банд бўлган, бироқ ишлашга интилиши бўлган оналар ва оталар энди ўз касбига қайтиш, моддий ва маънавий жиҳатдан мустақамланиш

Ушбу эзгу ташаббус негизда Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги “Йўл тушган” маҳалласида ҳам замонавий талаблар асосида кундузги парвариш маркази ташкил этилди.

Бугунги кунда бу марказ ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, уларнинг салоҳиятини юзга чиқариш борасида самарали фаолият юритмоқда.

— Кундузги парваришга жалб этилган болаларда ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда, — дейди тарбиячи Дилрабо Мўминова.



ва. — Масалан, Асал исмли қизалоқ илгари сўзламаган бўлса-да, бугун у “ғул”, “қуён”, “қуёш” каби сўزلарни дадил талаффуз қилмоқда. Фирдавс ўйинчоқлардан уй ясаб ўйнашни ўрганди. Шукрона эса жисмоний машқларга, айниқса, гимнастикага кат-

имқонига эга бўлмоқда. Тошкент вилоятининг бошқа ҳудудларида ҳам босқичма-босқич кенгайтирилаётган ушбу тизим жамиятимизда меҳр, эътибор ва инклюзивлик тамойилларининг амалий ифодаси бўлиб хизмат қилмоқда.

ЭЪТИБОР

Фаол ҳаётга қадам кундузги парваришдан



Зарнигор НАФИДДИНОВА, журналист.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар парваришига мухтож шахсларга ваучер асосида янги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда ижтимоий хизматлар тизими босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда. Қарор асосида “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида беш турдаги янги ижтимоий хизматлар жорий

қилиниб, улар ҳудудларда амалга татбиқ этиляпти.

Мазкур дастур ижроси доирасида Қорақўл туманида кундузги қатнов шаклидаги қараб туриш хизмати йўлга қўйилди. Ушбу хизмат “Гуллар чехраси” корхонаси раҳбари, тадбиркор Гулчехра Шукурова ташаббуси билан ташкил этилган марказ негизда фаолият бошлади.

Ҳозирда марказда 4 нафар парваришга мухтож фуқаро — кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ушбу хизматдан фойдаланмоқда. Улар орасида Ирода опа Хамроеванинг фарзанди ҳам бор. У 19 йилдан буён ногиронлиги бўлган

дилбандига яққа ўзи қараб келган. Янги ташкил этилган кўмак орқали фарзанди зарур парвариш ва эътибор билан қамраб олинди. Ирода опа иш билан банд бўлиш, жамият ҳаётида фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлди.

Кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати — бу Бартел ва Лаутон шкаллари бўйича ўз-ўзига хизмат кўрсатиш даражаси 0 дан 62 баллгача бўлган, 18 ёшдан катта бўлган фуқаролар учун мўлжалланган ижтимоий хизмат тури ҳисобланади. У ҳафтасига беш кун, ҳар кунни уч соатдан ошмаган муддатда кўрсатилади ва умумий хизмат муддати бир йилдан ошмаслиги лозим.

Марказда, шунингдек, ногиронлиги бўлган болалар учун ҳам кундузги парвариш ва реабилитация хизмати ташкил этилган. Шунингдек, логопед, дефектолог, умумий уқалаш, логоқулаш, ўз-ўзига хизмат қилиш, умумий меҳнат ва мусиқа дарслари каби кўплаб фаолиятлар йўлга қўйилган. Бу эса болаларнинг ижтимоийлашувига кўмаклашиш баробарида, уларнинг ота-оналари учун меҳнат қилиш имкониятини яратмоқда.

Мисол учун, педагог



Бухородаги ногиронлиги бўлган болалар учун мўлжалланган “Мурувват” интернет уйида ҳам кундузги парвариш хизмати йўлга қўйилган бўлиб, бу ерга 33 нафар бола қатнамоқда.

касбига эга бўлган Музейям Холиқова ногиронлиги бўлган фарзанди билан уйда қолишга мажбур эди. “Инсон” марказига қилган мурожаатидан сўнг, фарзанди парвариш хизмати билан қамраб олинди, ўзи эса айнан шу марказга ишга жойлаштирилди. Бу орқали унинг оилавий барқарорлиги таъминланди ва меҳнат фаолият-

тига қайтиши учун шароит туғилди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, 2025 йил мақсадли кўрсаткичларига мувофиқ, жорий йилнинг 1 октябрига қадар Бухоро вилоятининг барча туман ва шаҳарларида давлат-хусусий шериклик асосида кундузги парвариш хизматларини йўлга қўйиш ҳамда бу орқали 88 нафар ногиронлиги бўлган болани ижтимоий хизматлар билан қамраб олиш режалаштирилган.

Бугунги кунда вилоятдаги 7 та туман (шаҳар)да мазкур хизматни ташкил этиш бўйича тадбиркорлар билан битимлар тузилган бўлиб, шулардан 3 тасида 18 нафар 3-10 ёшли бола парвариш хизматида жалб қилинган.

Юртимизда жорий этилаётган ушбу ташаббуслар ижтимоий хизматлар тизимининг янгиланган, замонавий ва эҳтиёжга йўналтирилган ёндашув асосида ривожланиб бораётганидан далолатдир. Айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар ва уларнинг оила аъзолари учун яратилган бундай қўлайликлар уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишига хизмат қилмоқда.



Ўзбек тилида қўлланилиб келаётган 40 ТА ХОРИЖИЙ АТАМА ЎЗБЕКЧА МУҚОБИЛЛАРИГА алмаштирилди.



1 августдан ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ УЧУН ТЎЛОВЛАР МАШИЙ ЧИКИНДИЛАРНИ олиб чиқиш учун тўлов билан боғланади.



Ногиронлиги бўлган шахслар учун ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЗАХИРАЛАШНИНГ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ жорий этилади.

МАНЗАРА

“Таҳсилим “маҳалла” университетиде давом этяпти” ...

Ўз дарди билан овора бўлиб юрган одам атрофида нималар рўй бераётганини сезмайди баъзан. Унинг учун фарзандининг қоринни тўқлаш, бемор она аъзоси учун дори-дармонга пул тошни ёки яна қандайдир ташвишларидан муҳимроқ нарса бўлмайди. Агар шундай вақтда қийналган кишини қимдир қўлаб-қувватламаса, йўл-йўриқ кўрсатмаса, жамиятдан бутунлай ажратиб қолгани ҳеч гап эмас.



Зухра ТУРАНОВА, Бектемир туманидаги “Роҳат” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Бугун маҳаллаларда фаолият олиб бораётган “етилик” вакиллари айнан шу мақсадни амалга ошириш учун ҳаракат қиляпти. Айниқса, хотин-қизлар масаласи жуда долзарб аҳамият касб этиши кундек равшан. Уларга қанча кўп эътибор қаратсак, иқтидорини намойиш этишига имконият яратиб бераверади.

Гулмира Шералиевани ўтган йили ишсизлиги сабаб “Аёллар дафтари”га киритган эдик. Боқувчиси йўқлиги ва бир нафар фарзандини ёлғиз ўзи вояга етказётганини инобатга олиб, субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди. Айни вақтда чевақчилик ортидан даромад топиб, ўзини анча ўнглаб олган. Бундан ташқари, тавсиямиз асосида сартарошликка ўқиди. Бўш вақтида худудимиздаги

дим. Лекин маҳалла тизимига келгач, ўрганишим керак бўлган нарсалар жуда кўплигини тушундим. Мана, 2017 йилдан буён маҳалла университетида ўқишни давом эттиряпман. Ҳар бир олинган билим мен учун катта тажриба бўляпти.

Айни вақтда худудимизда 1 812 нафар хотин-қиз истиқомат қилади. Уларнинг 136 нафарини “Аёллар дафтари”га киритганмиз. Шу даврга қадар ҳар бирига манзилли ёрдамлар кўрсатиб, 17 нафар ишсиз аёлнинг бандлигини таъминлашга эришдик. Кўпчилиги уй шароитида ўзини ўзи банд қилиб, даромад топяпти. Хусусан, қандалат маҳсулотлари пишириш, тикувчилик ва каштачилик йўналишларида меҳнат қилиб, рўзғорига барака киритаётганлар кўпчиликини ташкил этади.

Маҳалламизда аёлларнинг вақтини мазмунли ўтказиш учун имкониятлар етарли. Туман марказий кутубхонаси ўзининг бой китоб фонди билан халқ хизматида. Қолаверса, янги очилаётган қатор ўқув курслар эшиги билим ва ҳунар олиш истиқоматлари учун доим очик. Жумладан, маҳалладошларимиз орасида каштачиликни ўрганишга қизиқиш билдираётганлар кўпчиликини ташкил этади. Улар тикаётган турли маҳсулотларга талаб кундан-кун ортиб бормоқда.



Жорий йил бошидан буён 7 нафар хотин-қизга ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш учун 92 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди.

гўзаллик салоинида ҳам ишляпти. Ўғли мактабдаги турли фан тўғрақларига имтиёзли равишда жалб қилинди. Оилага доимий равишда ҳомийлар кўмаги билан озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилляпти. Бир сўз билан айтганда, кичик эътибор сабаб аёлнинг турмуши изга тушиб кетди.

Асли мутахассислигим филолог. Шу йўналишда олти йил таҳсил ол-



Нигина ШОЕВА, журналист.

Ўшанда эндигина саккиз ёшни қаршилаган Ихлима гул тикишга қанча ҳаракат қилмасин бунинг уйдасидан чиқа олмасди. Хали қарасангиз қўлига игна қириб, жони оғир, яна бир сафар ранглар мутаносиблигини ажратолмасдан даққи эшитарди. Ҳунар ўрганишга астойдил қизиққан қаҳрамонимиз болаларча иштиёқ билан кашта тикар, қийин бўлса-да, мақсади сари интиларди. Ҳаракатчанлиги туфайли бугун Ихлима Тошбоева қўли гул ҳунармандга айланди.

— Момларим Сурхондарё сўзана ва каштачилик мактабининг сир-синоатларини пухта ўзлаштиришган, — дейди Ихлима Тошбоева. — Саккиз ёшимдан буён момомерос ҳунарим доимий ҳамроҳимга айланган. Гул тикиш, оқ матога тасвири туширилган нарсаларни худди аслидек ифодалаш жуда мураккаб. У кишидан назик дид, тасаввур, теран фикр ва ўзига хос ёндошуви талаб этади. Айниқса, рангларни уйғунлаштириш алоҳида маҳорат ва масъулият талаб этади. Тайёрлаган маҳсулотларим кўнлимдагидек чиқса, барча чарчоқларим унут бўлади.

Қўл меҳнати анчайин сабр ва қунт талаб қиладиган машаққатли жараён бўлгани учун ҳам бундай йўл билан тайёрланган буюмларга доимо юқори баҳо берилади, қадрланади. Қаҳрамонимиз тиккан кўнғирот салла, тиллақош, гулдўзи дўппи, бўйин туپак, каштали болиш, шарақай гилам, жамалак, аёллар дўпписи, нозигардон, томоқай, бибишак мунчоқлари ҳеч қимми бефарқ қолдирмайди. Зотан, инсонда қизиқиш, хоҳиш бўлса кўп нарсаларни урдалиши мумкин.

— Аёлларимизнинг ҳунарли, қўли гул, тадбирли бўлгани яхши-да, — дейди Ихлима Тошбоева. — Рўзғор бут, оилада барака бўлади. Мен ҳам шу ҳунарим орқасидан фарзандларимни ўқитдим, тўйлар қилиб, келин туширдик. Турмуш ўртоғимнинг қўлаб-қувватлаётгани эса янада кўпроқ изланишга, меҳнат қилишга ундайди.

Ихлима опанинг сеvimли иши нафақат ўзининг, балки устахонасида бирга ишляётган аёлларнинг ҳам даромад манбаига айланган. Ҳунарманд бугун билимларини маҳалласидаги хотин-қизларга, невараларига ўргатмоқда. Ҳар бир шогирди ноёб нақшлар қандай яратилишини иштиёқ билан кузатади. Қўли гул қаҳрамонимиз ишларида замонавийлик ва миллийликни гўзал тарзда уйғунлаштириши билан ажралиб туради. У тиккан аёллар либослари, чопонлар нафақат маҳаллий харидорлар орасида талабдор, балки чет эллик сайёҳлар ҳам катта қизиқиши билан харид қилади.

Ихлима Тошбоева ўз тажрибаси ва билими билан ўртоқлашишдан мамнун. У машғулотлар давомида ёшларга нафақат асосий техникаларни, балки тўқимачилик билан ишланнинг инновацион ёндашувларини ҳам ўргатади. Ясалган мунчоқлар, тайёрланган либослар шунчаки декоратив безак эмас, балки ҳар бир нақш, шакл ўзига хос маънога эга ва она юртининг табиати, маданияти билан боғлиқ.

ЭЪЛОН

Цой Николай Николаевич номига 1995 йил 10 январда 07-22/4347 рақами билан берилган хонадонга эгаллик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

ЯНГИЛИК

Сенат Кенгашининг “Болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни белгилаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган.

КИБЕРМАКОНДА БОЛАЛАР ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАНАДИ?

Унда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш бўйича Сенат ҳузурида ишчи гуруҳ тузиш белгиланган.

Шу мақсадда Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан мутаассадди вазирилик, идоралар вакиллари, экспертлар, Ёшлар парламенти аъзоларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилди.



ЭЪЛОН

Авазов Ойбек Эркинович номига 2012 йил 25 апрелда 19-05/340 рақами билан берилган хонадонга эгаллик ҳуқуқини берувчи Давлат ордерининг 2019 йил 21 июнда берилган дубликати йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

КЎМАК

“Оила - маҳалла - туман ва ҳудуд” тамойили зўравонликка нуқта қўя оладими?

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида тазйик ва зўравонликдан жабрланган 41 минг 512 нафар хотин-қизга ҳимоя ордери расмийлаштирилди. “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан тазйик ва зўравонликка учраган 11 минг 914 нафар аёлга кундузги ижтимоий хизматлар кўрсатилди.



Шунингдек, 4 006 нафар хотин-қизга бирламчи кўмак хоналарида ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида эса 512 нафар аёл ҳамда 709 нафар уларнинг фарзанди жойлаштирилиб, уларга зарур ижтимоий хизматлар тақдим этилди.

2024 йил май ойида “Тазйик ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, тазйик ва зўравонликдан жабрланган шахсларга “оила — маҳалла — туман ва ҳудуд” тамойили асосида комплекс ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими жорий этилди.

Шунингдек, қонун билан 2024 йил 1 июндан:

- тазйик ва зўравонликдан жабрланган ёки жабрланган хавфи остида бўлган хотин-қизларга ҳимоя ордери талаб этмаган ҳолда, ижтимоий, психологик ва юридик хизматлар кўрсатиш тартиби жорий этилди;
- хотин-қизларга нисбатан тазйик ва

зўравонлик ҳолати ички ишлар органлари навабчилик қисмининг 102 телефон рақамларига келиб тушган мурожаатлар асосида рўйхатга олинishi белгиланди.

Тазйик ва зўравонлик ҳолати ёки уларни содир этиш хавфи аниқланган пайтдан эътиборан, 24 соат ичида қуйдагилар амалга оширилиши белгиланган:

- хотин-қизлар фаоли ва профилактика инспектори иштирокида тазйик ва зўравонликни содир этган шахс билан суҳбат ўтказилади;
- профилактика инспектори томонидан ҳимоя ордери расмийлаштирилади;
- тазйик ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари марказий туман (шаҳар) шифоналарининг шошилинч қабул бўлимларига жойлаштирилади;
- расмийлаштирилган ҳимоя ордерлари ва жабрланган шахсларга доир маълумотлар “Инсон” марказларига “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими орқали юборилади.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги матбуот хизмати.



Грецияда спорт курашлари бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионатида юнон-рум курашчиларимиз **ОТАБЕК ТУРСУНОВ** ва **БЕҲРУЗ-БЕК ВАЛИЕВ** олтин медалга сазовор бўлди.



Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси **АББОСБЕК ФАЙЗУЛЛАЕВ** фаолиятини Туркиянинг "Истанбул Башакшехир" клубида давом эттиради.

2026 йилги футбол бўйича Жаҳон чемпионати-нинг **ҚУРЪА ТАШЛАШ МАРОСИМИ** 5 декабрда АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида ташкил этилади.



БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

Триатлон — бу сузиш, велосипедда юриш ва югуришни ўзида бирлаштирган қизиқарли кўп тармоқли спорт тури ҳисобланади. У иштирокчилардан чидамлилиқ, куч ва техник маҳорат талаб қилади.



Стандарт триатлон масофалари йўналиш турига қараб фарқ қилиши мумкин. Энг кенг тарқалган тури — спринт, олимпия, ярим ва тўлиқ триатлондан иборат. Сузиш босқичи ҳовузда ёки очик сувда, масалан, кўлда ёки денгизда амалга оширилиши мумкин. Агар очик сувда рақобатга киришилса, сув либоси керак бўлади. Сузиш тўқинларда бўлиб ўтади, гуруҳлар тахмин қилинган сузиш вақти ёки ёшга қараб тўзилади. Мусобақада ҳар бир спортчи махсус ўрнатилган масофа узунлигини белгилувчи устунга қараб, эркин ёки брасс усулида

ҳаракатланиши мумкин. Кейинги босқич — велосипед пойгаси очик йўللарда ўтказилади. Пойга учун йўналиш белгилаб қўйилади. Рақам белгиси спортчининг орқа томонида бўлади. Спортчи ҳар бир босқич учун белгиланган вақт чегарасини ўташи лозим. Сўнгги босқичда югуриш билан мусобақа ниҳояланади. Жараёнда спортчилар бир-бирига ҳалақит бериши тақиқланган. Агар бу сузиш пайтида содир бўлса, спортчи 15 сонияга жазоланади. Агар қоидабузарлик велосипед ҳайдаш ёки югуриш пайтида юз берса, сарик карточка билан огоҳлантирилади. Кейин тўхтаб, мусобақани давом эттириш учун рухсат берилишини



СОҒЛОМ ВА КУЧЛИ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ, ТРИАТЛОН БИЛАН ШУҒУЛЛАНИҢ

кутиши керак. Хавфли ҳаракатлар ёки такрорий қоидабузарликлар рўй берганда, қизил карточка кўрсатилади. Бир босқичда берилган иккита сарик карточка қизилга айланади ва спортчи мусобақадан четлатилади. Шу ўринда барча спорт турлари каби триатлоннинг саломатлик учун жуда фойдали эканини таъкидлаш ўринли. У мушакларни кучли қилади. Масалан, сузишда қўл, билак ва орқа мушаклар, велосипедда тос, сон, чаноқ ва болдир

СПОРТ

мушаклари, шунингдек, қўллар иштирок этади. Дарҳақиқат, ушбу уч спорт тури бир-бирини тўлдирди. Масалан, сузиш нафас олишни яхшилайди, бу велосипедда ва югуришда фойдалидир. Спорт билан бирин-кетин ўйнаш машғулларда зерикшни енгиллаштиради. Пойга табиатдан завқ олиш имкониятини беради. Мутахассисларнинг айтишича, триатлон саргузаштларга бой бўлиши билан бирга, танамизни ёш ҳамда соғлом бўлишни таъминлайди. Жисмоний тайёргарлик, стратегия ва рақобатни ўзида бирлаштирган бўлиб, бошқалардан асосий фарқи — иштирокчилар бир-бири билан рақобатлашмайди. Биринчи навбатда, ҳар ким ўз иродасини тоблади, саломатлигини мустаҳкамлайди. Триатлонда асосий рақиб — чарчоқ, яқин иттифоқчи — ирода. Маррага қандай тартибда келганингиз унчалик муҳим эмас, асосийси, охиригача етиб бориш, масофани соғлом босиб ўтишдир.

Шажобэ ТИЛВОВ, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ўқитувчиси.

БИЛИБ ОЛИҢ!

Бу техника воситаси ёз фаслида, хусусан, иссиқ об-ҳаво шароитида уй ҳамда офисларда қўлай ва салқин муҳит яратишга ёрдам беради. Бироқ ундан нотўғри фойдаланиш саломатликда жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

КОНДИЦИОНЕРДАН ҚАНДАЙ ВА ҚАЧОН ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК?



Хўш, соғлиққа қандай салбий таъсири бор? Ундан қачон ва қандай фойдаланиш керак? Бу қурилма тагида узоқ вақт ўтириш инсон саломатлигида салбий ўзгаришларга сабаб бўлади. Тўғридан-тўғри совуқ ҳаво оқимининг инсон танасига урилиши тўғривари мушак ва бўғимларда оғриқ пайдо бўлади. Ташқи муҳитдаги иссиқдан бирдан совуқ хонага кириш ёки аксинча, совуқдан иссиққа чиқиш термал шок - тананинг бирдан совиб кетиши ёки ҳарорат кўтарилишига сабаб бўлади. Кондиционер тагида узоқ вақт ўтириш натижасида қон босими кўтарилди ёки тушиб кетади. Тана ҳароратининг бирдан тушиб кетиши бронхит, бел ва бўйин оғриқларига сабаб бўлади. Айниқса, нафас йўллари шамоллаши мумкин. Шундай экан, ундан тўғри фойдаланиш лозим. Ёз фаслида ҳарорат 20-25 даражани ташкил этгани маъқул. Уни мунтазам ишлатиш хона ҳароратини қуритиб юборади. Бунинг олдини олиш учун эрталаб ва кечқурун хонани шамоллатиб туриш муҳим. Филтратларини мунтазам равишда тозалаш микробларни ҳавога тарқатишига тўсқинлик қилади. Хона ҳарорати ташқи ҳаводан кескин фарқ қилмаслиги мақсадга мувофиқ.

САЛОМАТЛИК

ҲЕЧ ҚАНДАЙ ДОРИ ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАР ЎРНИНИ БОСА ОЛМАЙДИ

Кўпинча одамлар турли сабабларга кўра жисмоний машқ билан шуғулланмайди ёки касаллик туфайли машғулларни бошлашдан кўрқади. Аслида, жисмоний фаолият ўз вақтида ва меъёрида олиб борилса, жуда кўп дардларга даво бўлиши мумкин.

Феруза ТОҲИРОВА, Саломатлик ва стратегия ривожланиш институти бошқарма бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди.

Машқларни мунтазам бажариш натижасида қорин кўйиш, ортиқча вазн ва семизлик, остеохондроз (бўғимларда туз йингилиши), умуртқа чурраси, бавосил, ички аъзоларнинг нотўғри ишлаши (модда алмасувининг ёмонлашуви) каби хасталиклар чекинади. Инсон тана аъзосининг ривожланишида ҳаракат,



мушак фаолияти, жисмоний иш муҳим ўрин тутади. Чунки унинг ҳаёт кечириши, турмуш тарзи бевосита фаол ҳаракатни тақозо қилади. Шу сабабли ҳаракат фақат яшаш учун керак бўлиб қолмасдан, барча ташқи ва ички аъзоларнинг меъёрий ишлаши учун зарур. Бугунги фан-техника ривожланиши, компьютер воситалари инсоннинг кам ҳаракат қилишга ўргатиб қўйди. Бу билан тана аъзоларининг меъёрида ишлаши бузилиши келиб чиқди. Муаммодан халос бўлиш учун жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш кундалик турмушнинг ажралмас

қисмига айланиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, инсон танасидаги аъзолар ва тизимларнинг ҳаракатга бўлган табиий талаби жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш орқали қопланиши керак. Фаол ҳаракат қилиб яшаш касалликлардан ҳимоя қилиб, хасталиқдан осон ва тез тўзалишни таъминлайди. Маълумки, ўтмишда ота-боболаримизнинг турмуш тарзи доимий жисмоний ҳаракат билан кечган. Шу босидан улар ҳозирги пайтда тез-тез учраб турадиган айрим сурункали касалликлар билан кам оғриган.

Артериал қон босимининг юқори бўлиши (гипертония), миокард инфаркти, асаб тизимининг қатор хасталиклари (невроз, невралгия, депрессия ва бошқалар), ўт ва сийдик йўлларида тош пайдо бўлиши каби "замонавий касалликлар" кўпинча жисминининг ҳаракатга "тўймаслиги"дан келиб чиқади. Айтиб ўтилган касалликлар билан оғриган беморларнинг аксарият қисми ўтириб бажариладиган иш билан шуғулланиши аниқланган. Юқорида қайд қилинган касб эгаларининг доимий равишда иш жойида бадантарбия, ишлаб чиқариш гимнастикаси ёки махсус спорт тури билан шуғулланиши хасталикларнинг чекинишига, саломатликнинг мустаҳкамланишига олиб келади. Иш қобилияти ошади, меҳнат унумдорлиги юқори бўлади. Инсон танасига унинг фаол ва соғлом ҳаёт кечириши учун овқат, ҳаво ва сув билан бир қаторда етарли даражада жисмоний ҳаракат жуда зарур. Жисмоний машқлар ҳар қандай дори ўрнини босиши мумкин, лекин ҳеч қандай дори жисмоний машқлар ўрнини боса олмайди.



ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

Ўлмасбек МУНАВВАРОВ. Тўртқўл тумани:

— Тухум пўстлоғида кальций моддаси кўп бўлгани сабабли табиблар ундан дори тайёрлашар экан. Шу тухум пўстлоғи аралашган дориини истеъмол қилиш жоизми?

ТУХУМ ПЎСТЛОҒИНИ ДОРИ ЎРНИДА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ЖОИЗМИ?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Ҳа, тухум пўстлоғи ва у аралашган дориини, модомики, пок ва тоза, яъни нопок ва ҳаром нарсаол аралашмаган бўлса, истеъмол қилиш жоиз. Чунки фикхий қоидага кўра, гўшти ҳалол паррандаларнинг тухуми ҳам ҳалол ва пок саналади. Бунда тухумнинг пўстлоғи истисно қилинмаган. Аксинча, гўшти ҳаром бўлган паррандаларнинг тухуми ҳам ҳаром ва ейиш ножоиз бўлади. Бу ҳақида аллома Ибн Нуҷайм роҳимахуллоҳ "Ал-Баҳрур-роқик" китобида шундай зикр қилганлар: "Агар ҳўл тухум товукнинг ичидан тўғри сувага тушса ёки қуригандан кейин тушса, сув нопок бўлмайди".